



Tadqiqot.uz

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VA XORIJY OLIY TA'LIM MUASSASALARI
PROFESSOR-O'QITUVCHILARI, YOSH OLIMLAR, DOKTORANTLAR,
MAGISTRANTLAR VA IQTIDORLI TALABALAR

DAVRIYLIGI: 2018-2024

RESPUBLIKA KO'P TARMOQLI

ILMIY KONFERENSIYA

YANGI O'ZBEKISTON: 2024

CONFERENCES.UZ

ILMIY TADQIQOTLAR

| ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES |

MATERIALLAR TO'PLAMI

NOYABR
№70
NAVOIY



CONFERENCES.UZ



АНТИРЕТРОВИРУС ТАЪСИРГА ЭГА КАПСУЛАЛАРНИНГ ТУРҒУНЛИГИНИ ЎРГАНИШ

Комилова Махфуза Мирзасултон қизи,

Тошкент фармацевтика институти

таянч-докторант

Телефон: +998770008008

mm.muxamadieva@mail.ru

Кариева Ёкут Саидкаримовна

ф.ф.д., профессор,

Тошкент фармацевтика институти

кафедра мудири

Телефон: +998911320212

yosk@mail.ru

АННОТАЦИЯ: Антиретровирус таъсирга эга эфавиренз капсулаларининг яроқлилик муддатини ўрганиш бўйича изланишлар олиб борилган. Бунда икки хил қадоқ идиши қўлланилган. Тадқиқотлар “табiiй сақлаш” ва “тезлаштирилган эскириш” усулларида олиб борилиб, тадқиқотлар натижаларига асосан капсулаларнинг сифат ва миқдор кўрсаткичлари 2 йил давомида белгиланган талабларга жавоб бериши аниқланди.

КАЛИТ СЎЗЛАР: антиретровирус терапия, эфавиренз, капсула, турғунлик, яроқлилик муддати, қадоқ тури.

Янги ишлаб чиқилган дори воситалари фаол фармацевтик субстанция табиати, оригинал ёки генерик эканлиги, дори шаклидан қатъий назар тасдиқланган яроқлилик муддатига эга бўлиши, яъни белгиланган вақт ичида сифат ва миқдор кўрсаткичлари меъёрий хужжатларда келтирилган талабларга жавоб бериши керак [1,2]. Шу сабабли Тошкент фармацевтика институтида илк бор таркиби танланган ва технологияси таклиф этилган эфавиренз капсулаларининг турғунлигини ўрганиш ва яроқлилик муддатини аниқлаш мақсад қилиб белгиланди.

Антиретровирус таъсирга эга капсуланинг яроқлилик муддатини ўрганиш 21 ± 1 °C да “табiiй сақлаш” ва 60 °C “тезлаштирилган эскириш” усулларида олиб борилди.

Сақлашга капсулаларни жойлашдан аввал улар қуйидаги қадоқларга қадоқланди: ГОСТ 25250-88 бўйича поливинилхлорид плёнкасидан ОСТ 64-074-91 бўйича контур-ячейкали ўрами (қадоқ №1), ТУ 48-21-270-78 бўйича лакланган алюминий босма фольгадан ОСТ 64-074-91 бўйича контур-ячейкали ўрам (қадоқ №2).

“Табiiй сақлаш” усулидан фойдаланилганда, намуналар ҳар 3 ойда, “тезлаштирилган эскириш” усулида эса ҳар 11,5 кунда қайта таҳлил қилинди.

Олинган натижаларга асосан икки хил усулда олиб борилган изланишларда таҳлил қилинган эфавиренз капсулаларининг ташқи кўриниши ўзгармади. Капсуланинг ўртача массаси белгиланган ораликда (0,365-0,425 г) бўлди ва ундан четланиш МХ талабларига асосан 7,5%дан ошмади. Капсула ичидаги массанинг ўртача оғирлиги 0,278-0,323 г оралигида бўлиши белгиланган бўлиб, таҳлиллар натижасида ушбу кўрсаткич ҳам талаб даражасида эканлиги аниқланиб, ундан четланиш 4,33% дан ошмади.

Капсула дори шаклининг парчаланиш вақти меъёрий хужжатларда белгиланган талабга асосан 20 дақиқадан ошмаслиги керак. Икки хил усулда олиб борилган тадқиқотларда бу кўрсаткич мос равишда 10 дақ 15 сония ва 9 дақ 50 сониядан ошмади.

Таҳлил қилинган капсулалар микробиологик тозаллиги бўйича ҳам сақланиш даврида ЎЗР ДФ 1 наشريнинг талабларига жавоб берди.

Ишлаб чиқилган эфавиренз капсулаларида фаол субстанция миқдори 200 мг ни ташкил қилади ва ушбу миқдор учун четланиш белгиланган $\pm 5\%$ дан ошмаслиги керак. Ҳам “табiiй сақлаш”, ҳам “тезлаштирилган эскириш” усулларида битта капсуладаги фаол субстанция миқдорини четланиши 4% ошмади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда эфавиренз капсулаларининг яроқлилик муддати 2 йил деб белгиланди.



Қўлланилган адабиётлар рўйхати

1. Гендугов Т.А., Глушко А.А., Озеров А.А., Щербакова Л.И. Изучение стабильности субстанции 3-[2-(4-фенил-1-пиперазино)-2-оксоэтил]хиназолин-4(3H)-она в стрессовых условиях //Фармация и фармакология.-2020.-Т.8.-№4.-С.242-254. DOI: 10.19163/2307-9266-2020-8-4-242-254
2. Чекрышкина Л.А., Бабилова Е.А., Слепова Н.В. Изучение стабильности и установление срока годности субстанции мономекаина //Современные проблемы науки и образования. – 2015. – № 2-2.